

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

264 «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларини ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш милиция бўлинмалари томонидан қўриқлаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 629-1

(2010 йил 10 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари тўплами, 1991 й., 10-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг 1999 йил 26 январдаги 19/436-сонли «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларини ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш милиция бўлинмалари томонидан қўриқлаш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 629, 1999 йил 11 февраль) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2010 йил 5 июнь,
11-сон

Б. МАТЛЮБОВ

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2010 йил 5 июнь,
21/8-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ